



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

Ҳақсвара, она юрт, монгу бўл обод!

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 25 октябрь, шанба • №87 (11.578)

Эркин нархда сотилади

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Шу йил 23 октябрь кўни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2003-2004 йиллар кузги-қишқи мавсумида барқарор ишлашга тайёргарлиги, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш борасидаги ишларнинг аҳоли муҳофизати этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар

ҳокимлари, уларнинг қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, қорхоналар, ташкилотлар, маҳаллалар, уй-жой мулкдорлари шир-

катлари бошликлари ва банк тизими раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Умдат Мирзакулов бошқарди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари, иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиги Абдуҳамид Йўлдошев маъруза қилди.

Халқимизда қиш тайёргарлики ёқтиради, деган гап бор. Бу бежиз эмас. Халқ ҳўжалиги

тармоқларининг эртага қай даражада ишлаши кўп жиҳатдан бугунги ҳаракатга боғлиқ. Ана шунинг учун ҳам фаоллар йиғилишида кун тартибидаги масала чуқур ва атрафлича кўриб чиқилди. Бу ишга мутасадди бўлган ҳар бир идора ва ҳокимлик фаолиятига муносиб баҳо берилди. Шунинг айтиш керакки, ўтган давр мобайнида вилоят бошқарма ва бирлашмалари, уларнинг жойлардаги бўлинмалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, қорхона, ташкилотлар томонидан

(Давоми 2-бетда).

**ЎЗБЕКИСТОН —
ЮНЕСКО:**

ҲАМКОРЛИККА ЎН ЙИЛ

2003 йил 26 октябрь кўни Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинганига 10 йил тўлади.

Маълумки, ЮНЕСКО таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик орқали тинчлик ва ҳавфсизлик ҳолатига хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Халқимизнинг бой маданий ва тарихий ўтмиши мазкур халқаро ташкилот томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинаёпти.

Бундан ўн йил муқаддам ЮНЕСКОнинг тенг ҳуқуқли аъзолигига қабул қилинган Ўзбекистон унинг фаолиятида фаол иштирок эта бошлади. 1997 йилда аъзо давлатлар вакиллари Ўзбекистоннинг ташкилот дастурларини амалга оширишдаги салмоқли улуши ва алоҳида ўрнини эътироф этиб, мамлакатимизни раҳбар орган – Ижроия кенгашга сайлашди. Бу эса ўз навбатида ҳамкорлик истиқболларига янги салоҳият бағишлади.

1996 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ЮНЕСКО бош қароргоҳига ташрифи ўзаро муносабатларнинг янада ривож топишида муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Ижроия кенгашда маъруза қилди ва Соҳибқирон Амир Темура таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ушбу халқаро ташкилотда ўтказилган тадбирларда иштирок этди.

1998 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига биноан ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бундай кўчма йиғилиш шу пайтгача МДХ давлатларида ҳали уюштирилмаган эди. Сессия якунида «Тинчлик маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти» деб номланган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган «Шарқ тароналари» халқаро му-

(Давоми 2-бетда).

Шу сонга

ОХУНБОБОЕВЛИКЛАРНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги Ўртачирчик туманидаги йирик ҳўжаликлardan бири. Шунга қарамай, давлатга пахта сотиш шартнома режасининг туманда биринчи бўлиб бажарилгани ҳўжалик меҳнат аҳлининг катта салоҳиятидан дарак беради.

Бу йил 49 нафар пудратчи 1878 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Кечаги кунгача қабул пунктларига 2660 тонна пахта хом ашёси топширилиб, режа муваффақиятли адо этилди. Ҳосилдорлик 27 центнерданга тўғри келди.

– Биз қўл теримига иложи борица кўпроқ одам жалб қилиш билан бир вақтда, ўзимиздаги мавжуд пахта териш машиналаридан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик, – дейди бошқарув раиси Қурбонали Жўраев. – Натижа биз кутганимиздан ҳам яхши бўлди. Ҳосилнинг ўттиз фоизини, яъни 760 тоннасини механик-ҳайдовчиларимиз териб беришди.

Бундан ташқари йиғим-терим давомида моддий рағбатлантириш усулларидан оқилона фойдаланилгани кунлик суръатнинг юқори бўлишини таъминлади. Режани биринчилардан бўлиб бажариб, ҳосилдорликни 34-36 центнерга етказган бош пудратчилар Жўра Султонов рангли телевизор, Дилшод Каримов гилам, Исоқали Эргашев 50 минг сўм пул мукофоти олдилар. Мавсумда 110-120 тоннадан пахта териб берган механик-ҳайдовчилар Йўлдош Тожиматов гилам, Эрали Тожиккулов, Абдулҳай Исроилов полс билан тақдирландилар.

Ҳўжаликда йиғим-терим қизгин давом эттирилмоқда. Мақсад – давлатга яна камида 300 тонна пахта сотиб, ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш.

СУРАТДА: ҳўжалик бош ҳосилоти Бектурган Абулхайров, бошқарув раиси Қурбонали Жўраев, бош пудратчи Хасан Эралиев ҳосил чўғидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Бугуннинг гапи

ОҚСОҚОЛЛАР САЙЛОВИ

Маълумки, шу йилнинг 6 октябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга кўра, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари

ваколат муддатлари тугаши муносабати билан Конституциянинг 105-моддаси ҳамда

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун 20-моддасига биноан 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бу қуйи бошқарув органларига сайлов ўтказилади.

Шу муносабат билан Рес-

публика Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси ҳамкорликда ушбу масалага бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда бўлажак сайловнинг жамиятдаги аҳамияти ва бу ҳусусда оммавий ахборот воситаларининг иштироки ҳамда ўрни ҳусусида гап борди. Дарҳақиқат, республикаимизда ноябрь-декабрь ойларида фуқа-

(Давоми 2-бетда).

Мардлар кўриқлайди Ватанни



Шу кунларда вилоятимиз шаҳар ва туманларидан келган йигитлар она-Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўташ учун ҳарбий хизматга жўнаб кетмоқдалар.

23 октябрь куни пойтахтдаги Тошкент вокзалида бир гуруҳ ёшларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Бугун ўғлим ҳарбий хизматга йўл олмоқда, — дейди янгийўллик онахон Шоира Маҳаматова. — Куролли Кучларимиздаги аскарларга яратилган шарт-шароитлардан кўнглим хотиржам. Шунинг учун ҳам ўғлимга оқ йўл тилаб, унинг она-Ватан олдидаги бур-

чини сидқидилдан адо этишини тилаб қоламан.

Шу куни бўлажак аскарлар марш садолари остида шахдам қадамлар билан ҳарбий қисмларга йўл олдилар. Йигитлардаги қатъиятни кўрар эканмиз, улар халқ ишончини садоқат билан адо этадилар, деган фикр қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Зеро, жўнаб кетаётган ҳар бир йигитнинг хотирасида бу онлар узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Камолиддин АСҚАРОВ.

СУРАТДА: тантанали маросимдан лавҳа.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН — ЮНЕСКО: ҲАМКОРЛИККА ЎН ЙИЛ

сиқа фестивали ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги қирраларини очди. Жаҳоннинг ўнлаб давлатлари вакиллари ўз мусиқа санъатини намойиш этиш учун ҳар икки йилда бир марта Самарқандда тўпланишади. Фестиваль ғолиблари учун таъсис этилган мукофотлар орасида ЮНЕСКОнинг махсус соврини муҳим нуфузга эга.

Ўзбекистон динлараро мулоқотни ривожлантиришга катта эътибор бериб, ЮНЕСКОнинг бу йўналишдаги кенг қўламли фаолиятини юқори баҳолайди. Шу боис мамлакатимиз ташаббуси билан 2000 йил 13-14 ноябрь кунлари ташкилот ҳомийлигида «Жаҳон динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди ва унинг якунида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртиларида ЮНЕСКОнинг етти та кафедраси фаолият кўрсатаётгани, 1995 йил 5 июль куни Самарқандда Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институтига асос

солингани бу соҳада ҳамкорликнинг истиқболлигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг қадимий цивилизациялар тимсолини ўзида мужассам этган кўплаб тарихий обидалари бугун Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Улар орасида Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шахрисабзнинг меъморий осори атиқалари бор. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон ал-Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар тўплами ҳамда «Усмон Куръони»нинг асл нусхаларидан бири эса «Жаҳон хотираси» халқаро реестрида қайд этилган.

ЮНЕСКО ҳомийлигида турли йилларда мамлакатимизда Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улугбек, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби машҳур бобокалонларимиз ва Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз шаҳарлари, «Авесто» китоби, «Алпомиш» халқ достонининг юбилейлари ўтказилган.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан қатор ташкилий ва технологик чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, табиий газ, ичимлик суви, электр энержияси ва иссиқлик узатиш тармоқлари кўриқдан ўтказилди. Капитал ва жорий таъмирланиши зарур бўлган ичимлик суви тармоқлари, таълим, тиббиёт муассасалари, қишлоқ хўжалиги қорхоналарини мавсумга ҳозирлаш, савдо ва таъминот соҳасидаги тадбирларни бажариш чоралари кўрилди.

Лекин шу билан бирга айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан куз-қиш даврига тайёргарлик кўриш борасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилмаётганлиги айтиб ўтилди. Хусусан, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари, Оққўрғон, Пскент, Чиноз, Куйичирчиқ туманларида мукамал таъмирланиши 1 октябрдан тугалланиши мўлжалланган қозонхона, иссиқлик ва газ тармоқлари 90-97 фоизга уддаланган. Шунингдек, мактаб, болалар боғчалари ва даволаш муассасаларини мукамал таъмирдан чиқариш режалари Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида, Бўстонлик, Оққўрғон туманларида ниҳоясига етказилмаган. Қиш мавсуми учун кўмир ва мазут ёқилғисини жамғариш, хонадонларни сув ва табиий газ ҳисоблагичлари билан таъминлаш, аҳолининг коммунал хизматлар учун қарзларини қамайтириш борасида ҳам қўшимча чоралар кўриш зарур.

Йиғилишда мутасадди идоралар ва ҳокимликларга кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар тўғрисида ўн кун муддат ичида ахборот бериш ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларини мавсумга пухта тайёрлаш борасида тегишли топшириқлар берилди.

Пахта — 2003

◆ **Ўтган куни вилоят пахтазорларида 200 мингга яқин киши қўл теримида қатнашди. Шу куни далалардан 5600 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳозиргача тайёрланган жами пахта хомашёси 163540 тоннадан ошди.**

◆ **Йиғим-теримда қарвонбошилиқ қилаётган Чиноз тумани пахтакорлари маррага тобора яқинлашмоқдалар. Улардан қолишмасликка ҳаракат қилаётган Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Куйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Бекобод туманлари кунлик суръатда пешқадамлик қилмоқда.**

роларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиб ўтадиган сайловнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида дадил илгарилаб бораётган ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан бу қуйи бошқарув органларининг ўрни ва роли тобора катта аҳамият касб этмоқда. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу сайловда республикамиз аҳолисининг энг кўп сонли қатлами иштирок этади ва ўз муносабатини билдиради. Иккинчи жиҳат, сайловда фуқаролик бошқарувининг қуйи органларига энг кўп одам сайланади. Учинчи жиҳат ва сайловнинг бошқариларидан фарқи шундаки, унда сайловчилар ўзлари танлаган ва аксарият ҳолларда жуда яхши билган кишиларга овоз берадилар. Мана бунга бир мисол: бўлажак сайловда республикамиздаги ўн мингга яқин маҳалла оқсоқоллари, уларнинг 60 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланадилар. Сўзсиз бу жуда катта кучдир. Ушбу сайловга ҳатто хорижликлар катта қизиқиш билан қараётганлиги ҳам бе-

жиз эмас, албатта.

Мана шунинг учун ҳам жойларда ушбу сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, ташкилий жиҳатдан зарур вазифаларни бажариш ғоятда муҳимдир. Бунда биринчи навбатда аҳолининг воқеадан хабардорлиги, ахборот билан таъминланганлиги, унинг фаол ўтишини таъминлаш катта аҳамиятга эга

тимой, иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал этишда катта роль ўйнайди.

Ҳўш, бу катта сиёсий кампанияга Тошкент вилоятида қандай тайёргарлик кўрилмақда? Шунинг таъкидлаш керакки, вилоятда жараён изчиллик билан бормоқда. Вилоят ҳокимининг махсус қарориди ҳудудларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

ҲАҚЛАРИНИ ВАҚТИДА ОЛИШДИ

шу боис Чиноз туманидаги «Гулзоробод» хўжалиги шартнома режасини қисқа муддатда бажарди

Хўжаликда 425 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, қабул пунктларига 4250 тонна юқори навли хом ашё топширилди.

Қизиги шундаки, хўжаликка шартнома бажариш учун 23 кун кифоя қилди. Бу бежиз эмас. Асосий эътибор биринчи теримни иложи борида қисқа муддатда якунлашга қаратилди. Бунинг учун, биринчидан, меҳнатга яроқли маҳаллий аҳоли теримга оммавий сафарбар этилган бўлса, иккинчидан, ана шу қўл кучларидан биринчи терим тугагунга қадар оқилона фойдаланилди. Яъни ҳосили мўл майдонларга кўпроқ одам қўйилди ва улар мавриди билан бошқа карталарга ўтказиб турилди.

Хуллас, ички кучлар тўғри тақсимлан-

ганлиги кунлик суръат юқори бўлиши ва бир маромда давом этишини таъминлади. Ҳар куни қабул пунктларига йиллик режанинг 4-5 фоизи миқдорида пахта топшириб борилди. Айрим бош пудратчиларгина режани хўжаликдан қўли билан 3-4 кун олдин бажардилар. Қолганлари эса, ҳўжалик билан баравар маррага етдилар. Бунақаси кам бўлади.

— Эътироф этиш керакки, аввалги йиллардан фарқли ўлароқ бу мавсумда теримчиларнинг ҳақлари узлуксиз, вақтида бериб борилгани ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, — деди «Гулзоробод» хўжалиги бошқаруви раиси Маҳмуджон Мансуров.

Самад ЙЎЛДОШ.

ОҚСОҚОЛЛАР САЙЛОВИ

бўлса, иккинчидан, фуқароларнинг қуйи бошқарув органларига муносиб номзодлар танлаш алоҳида ўрин тутаяди. Бу бежиз эмас. Зеро, бугунги оқсоқол зиммасига жуда катта вазифалар юкланади. Уларнинг ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишлари, аҳоли ўртасида обрў-эътибор ва ҳурматга, мустақил фикрга эгалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни юксак малака ва билим билан уддалай олиши нафақат жамият ривожига, балки ана шу ҳудуддаги жуда кўплаб иж-

органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ барча жараён ўз ифодасини топган. Ушбу сайловни ўтказишни ташкил этишга кўмаклашувчи вилоят ишчи гуруҳи бевосита жойларда ўз фаолиятини қизғин бошлаб юборди. Бу ишлар белгиланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ олиб борилмоқда. Зеро, ноябрь-декабрь ойларида бўладиган сайловда шаҳар ва туманларда 164 нафар қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари раислари, 1290 нафар маҳалла оқсоқоллари, шунга мувофиқ улар-

нинг маслаҳатчилари сайланадилар.

Халқнинг ишончини қозониш, масъулиятни оқлаш осон иш эмас, албатта. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли бўлади. Гап шундаки, сайлов жараёнида ўтган икки ярим йил мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раҳбарлик қилган оқсоқоллар ўз сайловчилари олдида ҳисоб ҳам берадилар. Бу ўз ўзидан оқсоқолнинг фаолиятига муносиб баҳо бериш, муносиб номзодни танлаб олиш имкониятини кенгайтиради. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яна бир муҳим сиёсий жараён бошланмоқда.

Республика Олий Мажлисида бўлиб ўтган йиғилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайлов Обод маҳалла йилининг энг марказий, энг катта ва муҳим тадбири бўлиб қолади, деган таъриф берилди. Биз бунга бу жараён фуқароларимизнинг жамият тараққиётидаги, яна ҳам тўлиқ айтганда, сиёсий ислохотлардаги иштирокининг юқори кўриниши бўлишини қўшган бўлур эдик. Демак, жойларда бўлажак сайловга ана шу нуқтаи назардан ёндошсак, унинг юқори савияда ўтишини таъминласак, тўғри бўлади.

Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

У ёки бу ширкат хўжалигининг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш учун ҳудуддаги қишлоқларнинг қиёфасига, ижтимоий объектлар қурилиши кўламига, маданий-маърифий ишлар камровига назар ташлаш кифоя. Фақат иқтисодий бақувват хўжаликдагина қурилиш, ободончилик, маданий-маиший соҳалар бир маромда тараккий этиб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда, Қўйичирик туманидаги Навоий номи ширкат хўжалигидаги аҳвол қандай?

Марказий қишлоқ гузаридан бошлаб, бепоён далаларини айлансангиз кўпгина ибратли ишларнинг гувоҳи бўласиз. Хўжалик марказидан тортиб ҳамма шоли майдонларини улкан

лада. 2462 гектар майдон 25 пудратчига бўлиб берилган. 367 киши уларга аъзо. Хўжаликнинг 6 та «Кейс», Германиянинг «Довуд» фирмасида ишлаб чиқарилган 3 та «Класс», 14 та «Енисей» ва «Дунай» комбайнлари, 30 дан зиёд юк автомашиналари бор. Ана шу ички куч ва имкониятларнинг ҳаммаси шоли ўрим-йигимига тўла сафарбар этилган.

Ўрим-йигим мавсуми учун ҳар йили вазиятдан келиб чиққан ҳолда моддий рағбатлантириш тадбири ишлаб чиқилади. Бу йил пудратчи, комбайнчи ва юк машиналари ҳайдовчилари учун учтадан мукофотли ўрин белгиланди. Жумладан, беш кунликлар якунида



МЕҲНАТДАН КЕЛАЁТГАН МИЛЛИОНЛАР

уни ишлаб топаётган оддий деҳқонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, қишлоқда ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришга сарфланмоқда

омбор билан туташтирувчи йўллар асфальтланган. 420 ўринли муҳташам маданият саройи, замонавий ўйингоҳ, уларга туташ дам олиш сайлгоҳи шаҳарлардагидан қолишмайди. Маданият саройида мавриди билан турли кўнгилочар тадбирлар ўтказиб турилади. Мустақиллик, Наврўз ва 8 март байрамлари, Хотира ва қадрлаш кунлари шу ерда бутун хўжалик аъзолари ва маҳаллий аҳоли иштирокида тантана ва ўйин-кулги билан нишонланади.

Хўжалик марказида замонавий гузар шаклланиб бораёпти. Супермаркет, замонавий маиший хизмат мажмуи, модалар уйи лойиҳалари тайёрланиб, қурилиш ишларини бошлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Янги тугруқ мажмуи ва қишлоқ врачлик пункти эса, йил охиригача ишга туширилади.

«Шоликор» футбол жамоаси республика миллий чемпионатининг иккинчи табақасида муваффақиятли иштирок этмоқда. Унинг моддий таъминотини хўжалик ўз зиммасига олган. Умуман, 400 дан зиёд ўсмир ва ёшлар спорт билан мунтазам шугулланади. Футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, мактаблардаги спорт заллари улар хизматида. Енгил атлетика, шохмот-шашка, кураш турлари бўйича тўғараклар ишлаб турибди. Келгусида замонавий теннис кортини барпо этиш режалаштирилмоқда.

Ҳудудда учта мактаб, иккита богча бор. Уларда шоликорларнинг фарзандлари таълим олиб, тарбияланадилар. Шу боис ўқитувчи ва аълочи ўқувчиларни моддий рағбатлантириш, бошлангич синфлар учун иссиқ овқат хўжалик ҳисобидан. Пенсиялар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар учун богча хизмати бепул. Қолганлар 50 фоиз ҳақ тўлайди. Аъзоларнинг 7-8 нафар фарзанди олий ўқув юртларида хўжалик маблағи ҳисобидан контракт асосида ўқийди.

Бу ишларга озмунча маблағ кетмайди. Хўжалик эса, маблағни аямайди. Чунки, у жамоа аъзоларининг манфаатлари учун сарфланяпти. Қолаверса, даромадни шоликорларнинг ўзлари ишлаб топишяпти.

Ҳозир шолিপояларда ўрим айна қизгин пал-



биринчи ўринни эгаллаган пудратчи учун 11 минг сўм, «Кейс» комбайни оператори учун 9600 сўм, юк транспорти ҳайдовчиси учун 6000 сўм. Ана шу мукофотларни пудратчилардан Валерий Тхай, операторлардан Владимир Дрижаков, тракторчилардан Жаббор Содиқов қўлга киритишди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаганлар ҳам рағбатлантириш шартларида белгиланган миқдордаги мукофотларга эга бўлдилар.

— Мавсум давомида рағбатлантириш мақса-

дида сарфланадиган маблағлар ўзини оқлабгина қолмай, ўрим-йигим якунида бир неча ҳисса бўлиб қайтиб келади, — дейди хўжалик бош иқтисодчиси Каримжон Аюпов. — Чунки, 2462 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-янчиб олишнинг ўзи бўлмайди. Ёгин-сочинли кунларга қолиб кетса, ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлади, ёмғир кўрган шолининг сифати пасайиб, қуйи навларга қабул қилинади. Бу анчагина даромад йўқотилади деган гап. Ўрим пайтидаги арзимаган рағбатлантирувчи мукофотлар эса, суръатни жадаллаштириб, ана шу йўқотишларнинг олдини олади.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлаяпти. Мавжуд комбайнлар юксак унум билан ишлатилмоқда. Кунига ўртача 50 гектар майдондаги шоли ўрилаяпти. Владимир Дрижаков, Раҳматилла Самуродов сингари тажрибали «Кейс» операторлари бир кунда 25-30 тонна шолени ўриб-янчиб беришмоқда. Ўрим иштирокчилари икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланаётгани учун кунлик суръат юқори. Ҳозиргача 1300 гектардан зиёд майдондаги ҳосил йиғиштирилиб, марказий омборхонанинг қуритиш майдонига ташиб олинди.

Илгор пудратчилар шартнома режасини бирин-кетин бажара бошладилар. Масалан, 151 гектар майдонда деҳқончилик қилган Валерий Тхай бошлиқ шоликорлар режани биринчилардан бўлиб бажардилар. Шунингдек, Ўткир Холтоев раҳбарлигидаги деҳқонлар ҳам шартномага қўшимча шоли топширишга киришдилар. Дарвоқе, шартномадан ортиқча шолининг ҳаммаси мавсум якунида аъзоларнинг ўзларига қайтарилади.

Бу йил ҳосил ҳар қачонгидан ҳам мўл. Бугунгача ўрилган майдонлар хўжалик бўйича гектарига ўртача 68 центнердан шоли тўкди. Бу шартнома режасидагидан 23 центнер кўп. Демак, даромад анча салмоқли бўлади. Ўтган йили соф даромад 656 миллион сўм бўлган. Бу йил ундан ҳам ошиши ҳозирданоқ аниқ бўлиб қолди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: хўжалик ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган сураатлар.

Олдинги пайтда «Автосервис» деганда машиналар билан гавжум, йулак-ларига қора мой тўкилиб, ҳамма жойи ёйилиб-сочиблиб ётган корхона кўз олдимизга келарди. Ҳозирги кунда эса буткул бошқача. «Тошвилоят-автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг Чиноз туманида ташкил этилган автомобилларни таъмирлаш участкасига келганимизда, барча жойлар тоза ва саранжом, таъмирлаш учун олиб келинган машиналар тартиб билан жойлаштирилган эди. Кўрииб турибдики, бугун вилоятимизда ҳам автомобилларга хизмат кўрсатиш, улар билан савдо қилиш соҳаси сезиларли даражада ривожланди.

— Ҳиссадорлик жамиятимиз фақат «ЎздЭУ» автомобилларини сотади ва уларга техник хизмат кўрсатади, — дейди «Тошвилоят-автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Алишер Тўлаганов. — Учта хизмат кўрсатиш шахобчаси бор. Уларнинг энг каттаси шу ерда — Чинозда. Қолган иккитаси Қуйичирчиқ тумани ҳамда Олмалиқ шаҳрида.

Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида 2 миллионга автоуловга хизмат кўрсатилиб, Чиноз, Қуйичирчиқ, Қибрай, Зангиота туманлари ва Олмалиқ шаҳрида жойлашган автосалонларда 513 та автомобиль сотилди. Улардан 428 таси нақд пулга, 85 таси кредитга берилди.

Ҳиссадорлик жамияти ўзи сотган автомобилларни бир йилгача бепул таъмирлайди. Кейинчалик ҳам чегиримли нархларда машиналарга хизмат кўрсатиш давом этади. Шунингдек, таъмирлаш ишларининг ҳам бир йиллик кафолати бор.

Ҳиссадорлик жамияти йўловчилари учун қулайликлар яратиш мақсадида «Автотулпор» корхонасини ташкил этиб, 70 та «Отайўл» автобусларининг Тошкент-Чиноз, Тошкент-Янгийўл, Янгийўл-Чиноз, Янгийўл-Оққўрғон йўналишлари бўйича қатновини йўлга қўйди.

— Бу йўловчиларимизга қулайлик

бизга кўшимча даромад келтиради, — дейди Алишер Тўлаганов. — Янги кичик корхонага 70 та авто-

УСТАНИНГ



ИСМИ ФАРҲОД

бус харид қилганимиз боис, «Самкочавто» корхонасининг дилери бўлдик. Ҳозир бу автобусларни таъмирлашни йўлга қўйганмиз.

Шунингдек, яна учта жойда — Бўка, Бўстонлик туманлари ҳамда Ангрен шаҳрида ЎздЭУ автомобилларини таъмирлаш шахобчалари барпо этилади.

Яқин вақт ичида бу ерда автомобилларни таъмирлашнинг компьютер тизимини яратиш кўзда ту-

тилаяпти. Унга кўра хизмат кўрсатилган машинага тегишли маълумотлар компьютерга киргизилади ва машина эгасига автомобилнинг турли қисмлари ҳақида ахборот берилиб, уларнинг яна қанча вақтгача бир меъёрда ишлаши айтиб ўтилади. Шунингдек, автоуловнинг охириги марта қачон сервис хизматидан фойдалангани, кейинги техник текширувдан ўтиш муддати ҳам қайд этилади.

Яқинда Андижонда «ЎздЭУ» автомобилларини таъмирлаш бўйича «Усто-2003» танлови бўлиб ўтди. Унда мазкур компаниянинг республика миқёсидаги 16 та таъмирлаш корхоналаридан 54 нафар уста иштирок этди. Танловда вилоятимиз вакили Фарҳод Тўхлибоев автомашинанинг мотор қисмини таъмирлаш ишларида барча шартларни аъло бажариб, биринчи ўрин соҳиби бўлди. Асли бу йигит ёшлигидан автомобилларга қизиққанлиги боис, Гулистон Давлат университетининг муҳандис-иктисодчи факультетини тугаллаб, йўлланма билан «Тошвилоят-автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг Чиноздаги автотаъмирлаш устaxonасига ишга келган. У ҳаракатчанлиги, истеъдоди тўғрисида мижозлар орасида тез танилди. Ҳозирги кунда ЎздЭУ автомобилларига хизмат кўрсатиш бўйича етарли тажрибага эга. Бу эса, бизда малакали усталар фаолият кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Камолитдин АСҚАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА: «Усто-2003» танлови ғолиби Фарҳод Тўхлибоев.

Спорт

ДУАТЛОНЧИЛАР БАҲСИ

Самарқанд вилоятида дуатлон бўйича Ўзбекистон очик чемпионати якунланди. Унда Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади, деб хабар беради Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши матбуот хизмати.

Ў.А.

ФАҲРИЙЛАР БЎШ КЕЛИШМАЯПТИ

«Дўрмон» марказий ўйингоҳида фахрийлар ўртасида Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги учун навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Унда вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган дўрмонлик фахрийлар жамоаси Ўзбекистон футбол ватани ҳисобланган кўқонлик фахрийлар жамоасини қабул қилди. Ўйин 2:1 ҳисобида вакилларимиз фойдасига ҳал бўлиб, ғалабага Марат Мифтохудинов, Ш. Шобўтаев, Эрмат Нурухонов сингари футболчилар катта ҳисса қўшишди. Меҳмонлардан эса, О. Меҳмонов жавоб тўпини киритиб, ҳисобдаги фарқни оз бўлса-да, қисқартиришга эришди.

Шундай қилиб, вилоятимиз фахрий футболчилар жамоаси яқинда Кўқонда бўлиб ўтадиган ярим финал учрашувига қатнашиш имконини қўлга киритди. Ярим финалда омади юришган жамоа эса финалда Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси фахрийларига қарши майдонга тушади.

В. БОЙМУРОДОВ.

АКМАЛ — ШАҲАР ЧЕМПИОНИ

Ангрендаги «Кэмпо» спорт клубида дзюдо бўйича шаҳар турнири бўлиб ўтди. У икки қарра Европа чемпиони Олег Деркач шарафига ўтказилиб, 14-18 ёшли 100 нафарга яқин ёш дзюдочилар шаҳар ғолиблиги учун баҳс олиб боришди. Ушбу аъъанавий турнирда барча рақиблари курагини ерга теккизган «Ёшлик» спорт клуби вакили Акмал Ҳамидов (50 кг) ғолибликни қўлга киритди.

Иброҳим САИДОВ.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНА АЪЗОЛАРИ!

2003 йил сентябрдан бошлаб давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «Ишонч телефони» ўрнатилганини маълум қиламиз. Сиз **136-06-28** телефони орқали хўжалик бирлашмаларининг тартибларига кирувчи корхоналарнинг жорий фаолиятига асосан сиз аралашув ҳолатлари тўғрисида маълумот бериб боришингиз мумкин. Маълумотлар берувчининг кимлиги ошкор қилинмайди.

«Ишонч телефони» ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! КИМОШДИ САВДОСИ

Тошкент вилояти судлар департаменти биносида **2003 йил 27 октябрь соат 11.00 да** кимошди савдоси ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида тўлов тўлашлари лозим. Кимошди савдосига 2000 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли автоулов қўйилади. Автоуловнинг бошланғич нархи 2 000 000 (икки миллион) сўм.

Маълумотлар учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-А уй.

Тошкент вилояти судлар департаменти.

Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент вилояти филиалида 2003 йил 8 октябрь куни ўтказилган кимошди савдосида Ангрен шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,05 га бўлган ер майдони **90000 сўм**га, Янгийўл шаҳрида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 10 та ер майдони жами **1230000 сўм**га, Оққўрғон туманида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,06 га бўлган 10 та ер майдони жами **980000 сўм**га, Паркент туманида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4 та ер майдони жами **580000 сўм**га, Ангрен шаҳридаги «РАФ-2203» ва «УАЗ-452А» русумли давлат автотранспортлари жами **1600000 сўм**га сотилди.

2003 йил 15 октябрь куни ўтказилган кимошди савдосида Ангрен шаҳрида жойлашган, сатҳи 0,05 га бўлган ер майдони **95000 сўм**га, Янгийўл шаҳрида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4 та ер майдони жами **510000 сўм**га, Паркент

туманида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 2 та ер майдони жами **300000 сўм**га, сотилди.

2003 йил 3, 8, 10 октябрь куни ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудидаги жами 14 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами **3760000 сўм**га, Қибрай, Охангарон, Паркент туманлари ва Охангарон, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудидаги 8 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами **20227000 сўм**га сотилди.

2003 йил 13, 15, 17 октябрь куни ўтказилган биржа савдосида Қибрай тумани ҳудудидаги жами 17 та нодавлат қурилиши тугалланмаган уй-жой биноси жами **3900000 сўм**га, Қибрай, Зангиота, Паркент туманлари ва Охангарон, Чирчиқ шаҳарлари ҳудудидаги 12 та нодавлат кўчмас мулк объектлари жами **54140700 сўм**га сотилди. Шунингдек, Охангарон туманидаги қурилиши битмаган маъмурий бино **5055080 сўм**га сотилди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти филиали Сиз азияларни 2003 йил 26 ноябрь, 3, 10, 17, 24, 31 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдоларига таклиф этади.

Савдога қўйидагилар қўйилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Тошкент вилояти бошқармасига қарашли «УАЗ-31512» русумли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АЕ 775 бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 635 100 сўм.

2. Тошкент вилояти Ташки иқтисодий олоқалар бошқармасига қарашли «Доган S» русумли, давлат рақами 04-01 ТНД бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 420 800 сўм.

Бундан ташқари, олдинги кимошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақи алоҳида «Xususiy lashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

Мурожаат учун телефонлар:

133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

ИРОҚҚА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ МУҲОКАМАСИ

Жаҳон банки ва БМТ мутахассисларининг хулосасига кўра, Ироқни тиклаш ишларига 14 йўналиш бўйича жами 36 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлар экан. Сабаби, қарийб йигирма беш йил давом этган вайронгарчиликлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини емириб бўлган. Шу билан бирга, мамлакатнинг энергетика тизими бутунлай издан чиққан. Тахминга кўра, ажратилажак маблағнинг асосий қисми шу соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

Ҳозир мамлакатнинг энг катта муаммоларидан бири ишсизлик бўлиб қолмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб тенг ярми ишсиз. Шу боис Жаҳон банки Ироқда давлат компанияларининг ёпилишига қарши чиқмоқда. Банк вакиллари фикрича, аҳолини иш билан таъминлаб туриш учун бундай компаниялар ниҳоятда зарур.

ОТИХ САММИТИНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига (ОТИХ) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммити ниҳоясига етди. Икки кун давом этган мазкур анжуманда 21 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди.

Саммит иштирокчилари ОТИХ доирасида амалга оширилиши режалаштирилаётган муҳим тадбирлар юзасидан ўзаро фикр алмашди. Учрашув сўнггида «Порлоқ истиқбол йўлида ҳамкорлик» декларацияси имзоланди.

Декларацияда ОТИХ мамлакатларининг келгусида амалга оширажак ишлари белгиланган. Жумладан, ҳужжатда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) доирасидаги музокаралар жараёнини фаоллаштириш зарурлиги таъкидланган.

АСР ВАБОСИ ОҚИБАТЛАРИ

Хабарларга кўра, ҳозир Марказий Америка давлатларида ҳар кун итмиш мингдан ортиқ бола етим қолмоқда. Сабаби айрим ота-оналар ОИТС туфайли вафот этиши кўпаяётганидир. Мутахассисларнинг фикрича, кенг тарқалган ўшбу касалликнинг олди олиниб, зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, қитъада 2005 йилгача етим болалар сони икки баробар ошиши мумкин.

Статистик маълумотларга қараганда, Панамада БМТнинг ОИТСга қарши курашиш дастури ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади етимликдан жабр тортаётган болалар ва оммани ўшбу бедаво касаллик оқибатларидан огоҳ қилишдир.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳонда ОИТСга дучор бўлиб, рўйхатга олинганлар сони қирқ миллиондан ошган. Уларнинг қарийб икки миллионини Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзасида яшовчилар ташкил этади.

Бернарднинг жасорати

Тўрт мучаси соғ кишилар ҳам қилиши қийин бўлган ишни африкалик Бернард Гусен уддалади. Йигирма саккиз ёшли Бернард Африкадаги Килиманжаро чўққисини ўзининг ногиронлар аравачасида ўтириб забт этди.

У аравачасида туққиз кун давомида 5895 метр баландликка кўтарилди. Метин иродали Бернарднинг жасоратига қойил қолмай илож йўқ. У чўққига чиқар экан, оёғида пайдо бўлган огрикдан анчагина қийналди. Чунки, биринчидан, ногирон бўла туриб аравачада тоққа чиқиши осон иш эмас. Иккинчидан эса, илгари у бир неча марта сурункали даволалишга мажбур бўлган эди.



Таиланддаги меҳмонхона.

Шарҳловчи минбари

ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ЯНГИ ЧОРАЛАР

АҚШда террорчиликка қарши кураш чоралари кучайтирилмоқда. Мамлакат ҳуқуқ-тартибот органлари қўпоровчилик ҳаракатлари билан боғлиқ таҳдидларга барҳам бериш учун барча имкониятни ишга солаётир.

Ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, ўтган пайшанба кунини АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Жанубий Каролина штатидаги Гринвилл шаҳрида яна бир террорчилик ҳаракатининг олдини олган. Мазкур шаҳарнинг почта бўлинмаларидан бирида ичига ўта хавфли ва заҳарли рицин моддаси солинган конверт топилган.

АҚШ федерал қидирув бюроси (ФҚБ) мазкур жинойт юзасидан тергов ишларини бошлаб юборди. Миллий хавфсизлик вазирлиги вакили Брайан Роркесс журналистлар билан учрашувда жинойтчилар мазкур «топилма» ни террор мақсадида эмас, балки товламачилик ниятида ишлатмоқчи бўлган деган фикрни айтди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, конверт муҳрлангани боис ундаги рицин моддаси атрофдаги одамлар ҳаётига ҳеч қандай хавф тугдирмаган.

Маълумки, рицин моддаси канакунжут уругидан тайёрланади ва унинг

зидди заҳари ҳали ишлаб чиқилмаган. Жорий йилнинг бошларида Буюк Британия полицияси томонидан жазоирлик етти нафар террорчи ҳибсга олинган эди. Улар рицин моддаси ёрдамида Лондонда қўпоровчилик ҳаракатини амалга оширмоқчи бўлган.

Бундай кутилмаган хуружларга қарши кураш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимида янги ўзгаришлар киритишга тўғри келаётир. «Нью Йорк таймс» газетаси мамлакат федерал қидирув бюросида янги бўлим тузилиши тўғрисида хабар қилди. Мазкур бўлим АҚШ ҳудудида ядровий, кимёвий ва биологик қурооллар ёрдамида содир этилажак террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш билан шуғулланади.

Янги бўлим оммавий қиргин қуроолларининг барча турлари бўйича шуғулланадиган мутахассислардан иборат бўлади. Шу пайтга қадар, бундай мутахассислар ФҚБнинг турли бўлинмаларида ишлаб келаётган эди. Энди уларнинг бари ягона бир гуруҳга йиғилдиган бўлди.

ФҚБ аксилтеррор операциялари гуруҳи раҳбари Ларри Меффорднинг таъкидлашича, «Ал Қоида» террорчилари оммавий қиргин қуроолларига эга бўлиш учун ҳаракат қилаётгани тўғрисида маълумот олинган. Бу ахборот ҳам янги бўлинмани шакллантиришга туртки бўлган дейиш мумкин.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ЭНГ ҚИММАТ ТУРАРЖОЙЛАР

Шу кунларда Нью-Йоркнинг энг нуфузли тумани бўлмиш Манхэттенда тураржой баҳоси рекорд даражага етди. Кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи «Дуглас Эллиман» компанияси маълумотларига кўра, сотувдаги уйларнинг баҳоси тўққиз юз минг АҚШ долларидан ошиб кетган. Компания президенти Миллер Сэмюэлнинг таъкидлашича, Манхэттен ярим-ороли марказида жойлашган тураржойлар баҳоси бир миллион долларга етган.

Компания ҳисоб-китобларига кўра, нафақат ҳашаматли тураржойлар балки арзон уйларнинг баҳоси ҳам кун сайин кўтарилиб бораётир. Хусусан, айни кунларда Манхэттендаги уч хонали уйлар баҳоси ўтган йилгига қараганда 45 фоиз ошган. Икки хонали уйлар бирмунча «арзон». Уларнинг ўртача қиймати беш юз минг долларга яқин. Бир хонали уйлар эса уч юз минг доллар атрофида.

Нью-Йорк кўчмас мулк бозоридagi тураржойларнинг деярли ўн фоизини, асосан, америкалик бадавлат одамларга қарашли замонавий апартаментлар ташкил қилади. Манхэттенда эса бундай уйларнинг баҳоси уч ярим миллион АҚШ долларига тенг.

«ҚОР ОДАМ» БОРМИКАН?

Япония олимлари «қор одам» — Йетини қидириб Ҳимолай тоғларида олти ҳафта юргач, «қор одам»нинг борлиги ҳақида ишончли далилларга эга-лини таъкидламоқда. «Ишончим комилки, Йети бор», — дейди, олтимиш ёшли олим Йоситэру Такахаси Ҳимолайнинг Даулагари ўрмонларида қидирув ишларини амалга ошириб қайтгач, Непал пойтахти Катмандуда журналистлар билан учрашувда.

Олимнинг айтишича, «қор одам»ни шахсан ўзи кўришга муваффақ бўла олмаган. Бироқ Ҳимолайнинг жануби-шарқий ён бағирларида одамга ўхшаш йирик жониворни экспедициянинг бошқа икки аъзоси кўрган.

Киодо Цусин ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, япониялик олим сентябрь охирларида 4800 метр баландликда узунлиги 35, эни 20 сантиметр келадиган 13 та изни кўрган. Шунингдек, Й.Такахасининг умид қилишича, «қор одам»ни атрофга ўрнатилган ва масофадан бошқариладиган 16 та видеокамера ҳам тасвирга олган бўлиши керак. Видеотасмалар эса шу ойда тўлиқ кўриб чиқилад.

Бироқ, нима бўлганда ҳам, Йети қўлга тушмагунча унинг борлигига ишониш анча мушкул.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Токионинг Хибия боғида Япония Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган Халқаро ҳамкорлик фестивали бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК ФЕСТИВАЛИ

Токио марказидаги Хибия боғи ўзининг жозибаси, мафтункорлиги ҳамда сўлим гўшалари ила бутун Японияда донг таратган.

Шу кунларда ўзининг юз йиллигини нишонлаётган Хибия боғида Халқаро ҳамкорлик фестивалининг ўтказилиши ушбу тадбирга бўлган диққат-эътиборнинг янада ортишига сабаб бўлди.

Анъаналардан фарқли ўларок, бу сафарги фестивал дастуридан МДХ мамлакатларининг ягона вакили — Ўзбекистон Республикаси кўргазмаси жой олди.

Унда Ўзбекистон ва Япония ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик мавзусига алоҳида эътибор қаратилди.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА, Токио.

ЎЗБЕК КИНОСИ ХИНДИСТОНДА

Дехли шаҳрида 34-Хиндистон Халқаро фильм фестивали бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Хиндистон ахборот ва радиозвонитириш вазирлиги ҳамда Фильм саноати уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

1952 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиладиган Халқаро кино анжуманида дунёнинг кўплаб мамлакатлари продюсерлари ва актёрлари, соҳа мутасаддилари ҳамда кино танқидчилари иштирок этишди. Улар қаторида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Cinema Market» жамияти ижодкорларидан иборат мамлакатимиз вакиллари ҳам бор эди.

«Фильм бозори» растасининг Ўзбекистонга ажратилган бўлими кино мутахассислари ва мухлислари билан, айниқса, гавжум бўлди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон вакиллари «Fros International», «Madho Entertainment» ва «Narendra Hirawat» компаниялари билан бўлиб ўтган музокаралари натижасида фильмлар харид қилиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга келиши олинди.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Дехли.

ҚОВОҚ

Кўз фаслининг сентябрь-октябрь ойларида пишадиган полиз экин — қовоқ ҳаммамизга маълум. У қатор миллий таомларимиз учун ажойиб масаллик эканлиги билан бирга кўп дардларга даво ҳамдир.

Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино қовоқ мевасидан асосан йўталга даво сифатида фойдаланган. Унинг фойдалилиги таркибида ёғ, С витамини, органик кислоталар, стеринлар, каротиноидлар ва бошқа фойдали моддаларнинг мавжудлигидир. Бундан ташқари, қовоқ-

Муборак ой

Эртага ислом оламининг қутлуг ва муборак ойи — рўзаи рамазон бошланади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ Юнусов билан сўхбатда бўлди. У киши муборак рамазони шариф ва унинг фазилатлари ҳақида сўзлаб берди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм

Аввало, азиз юртдошларимизни кириб келаётган рамазон ойи билан муборакбод этаман. Бу ойда барчага сабр-қаноат, қалбларини яхшилик ва эзгу амал нурлари ёритиб туришини тилайман.

Рўза Аллоҳ таолонинг Калом шарифи пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари ва ижмоъ уммат билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Куръони каримда «Бақара» сурасининг, 183-оятда шундай баён қилади:

«Эй мўминлар! Тақводор кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилинган каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди».

Маълумки, рўза луғатда — «савм», яъни мутлақ ўзини тийиб, ушлаб туриш демакдир. Шариатда эса мукаллаф — шариат ҳукмларини бажариш лозим бўлган киши — Аллоҳ таоло учун ва унинг розилигини топишни умид қилиб саҳардан то кўш ботгунча қасду ният билан еб-ичиш ва жимовдан ўзини ушлаб туриши — рўзадир.

Бундай улуг кунларга кимлар етди, кимлар етолмай армон ила ўтиб кетди. Аллоҳ таолога минг шукрим, диёримиз мусулмонлари бу кунларга тинч-осойишталик билан етиб келдилар.

Бу ойда бир киши хасталигининг кучайиши ё тузалишининг кечикишидан кўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли ўдагига зиён етишидан хавф қилса, табаррук ёшга етган бўлиб, ҳолдан тойса, ундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Бу тоифадаги кишилар рўза тутишга монъе бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз рўза тутмадилар ҳар

кунги рўза учун бир мискиннинг бир кунлик таоми миқдорида фидя берадилар.

Саҳарликни таъхир қилиш (тонг отиш олдинда тўхтатиш), ифторликни тез (яъни, кўш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) яна бу ой ҳақида муборак ҳадисларида: «Агар умматларим рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва

баракотли эканлигини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлар эдилар», — деб марҳамат қилганлар.

Бу мағфират ойида меҳр-муруват, саховат, олийҳимматлик кўпроқ қилинади. Муборак ойда кундузлари соим, кечалари қоим бўлишлик барчамизга насиб этсин.

Бу ойда бирор сабабга кўра, аразлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро уэр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳар бир рўзадор киши фақатгина оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда рўзадор ўта хушёр, бошқалар билан муомалада мулоимлик, ўз нафсининг хоҳишига қул бўлишдан қутулиб, унинг руҳи жасадига ҳокимлик қилади. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, беморларга ўзининг қалб кўри, меҳр тафти ила қараши даркор. Рўзадорнинг рўзаси мукамал бўлмоғи учун ёлғон сўзлаши, бировларни иғво ва бўҳтон қилиши, нолойиқ сўзлар ила ўзгалар дилини огритиши асло мумкин эмас. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичиш-нигина тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», — деб марҳамат қилдилар.

Ўтказиладиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда, ҳар бир оилани ҳоли қудратидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказиш ҳақида шариятимиз руҳи-га мос тушади. Албатта, буларни ўтказиш жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ила бамаслаҳат қилинган маъқул.

Яратган Парвардигордан муборак ойда юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб дуо қилиб қоламиз.

Барчамизга моҳи рамазон муборак бўлсин.

РЎЗА ТУТИШ(ОФИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоху Акбар.

Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоху учун. Аллоху Акбар.

Рамазон кунлари	Октябр ноябр	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти
1	26	Якшанба	5:04	17:29
2	27	Душанба	5:05	17:28
3	28	Сешанба	5:07	17:26
4	29	Чоршанба	5:08	17:25
5	30	Пайшанба	5:09	17:24
6	31	Жума	5:10	17:22
7	1	Шанба	5:11	17:21
8	2	Якшанба	5:13	17:20
9	3	Душанба	5:14	17:19
10	4	Сешанба	5:15	17:17
11	5	Чоршанба	5:16	17:16
12	6	Пайшанба	5:17	17:15
13	7	Жума	5:19	17:14
14	8	Шанба	5:20	17:13
15	9	Якшанба	5:21	17:12
16	10	Душанба	5:22	17:11
17	11	Сешанба	5:23	17:10
18	12	Чоршанба	5:25	17:09
19	13	Пайшанба	5:26	17:08
20	14	Жума	5:27	17:07
21	15	Шанба	5:28	17:06
22	16	Якшанба	5:29	17:05
23	17	Душанба	5:31	17:04
24	18	Сешанба	5:32	17:04
25	19	Чоршанба	5:33	17:03
26	20	Пайшанба	5:34	17:02
27	21	Жума	5:35	17:01
28	22	Шанба	5:37	17:01
29	23	Якшанба	5:38	17:00
30	24	Душанба	5:39	17:00

ИФТОРЛИК(ОФИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

Аллохумма лака сумту ва бика аманту ва ʼалайка таваккалту ва ʼала ризқиқа афтарту, фағфирли йа Ғаффару ма қоддамту ва ма аххарту.

Яъни: Эй Аллоҳ. Ушбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим, Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

ЯХШИЛИК ҲАҚИДА

* Кимки яхшилик йўлида уринса-ю, бироқ биронта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди.

* Сен «Яхши» деган номдан иморат тиклашга урин, то одамлар бу иморат дево-рига номингни «Яхши» деб ёзиб қўйишсин.

* Одамлар икки нарсга билан тақдирланадилар: яхшилик қилган — яхшилик билан, ёмонлик қилган — ёмонлик билан.

* Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиш фақат чин инсоннинг қўлидан келади.

* Қачон, қаерда, қандай ва нимаки қил-сак — хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик, ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

Шифобахш неъматлар

ёрлан-

ган

қайнат-

ма асо-

сан та-

надаги

зарарли

бактерия-

ларни ҳайдашда

ишлатилган.

Этидан олинган

каротиннинг

ёғли эритмаси

терининг баъзи

сурункали касалликларини,

йирингли ярани,

қуйган, совуқ ол-

ган тери қисмларини даволаш

учун қўлланилган.



«Саломатлик» институти вилоят филиали мутахассисларининг таъкидлашларича, қовоқ яхши пархез таоми ҳисобланади. Таркибидаги мўл пектин моддаси танадан холестеринни чиқаришга ёрдам беради. Шунинг учун атеросклероз билан касалланганларга уни истеъмол қилиш жуда фойдали. Пешоб ҳайдаш таъсирига эга бўлганлиги учун, юрак-қон томирлари касалликларида доим қовоқ истеъмол қилиш тавсия этилади. Қолаверса, сариқ касалдан кейин энг яхши пархез таом саналади, меъда-ичак фаолиятини яхшилайди.

Ўб-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 25 октябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Кечаси 6-11, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда кечаси ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Фарбдан секунди-га 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

«Комплекс плюс» МЧЖ
Низом жамғармасини
38350000 сумгача
камайтирди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва сақифоланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-945. Адади 3617. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Тўғон» кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.30. 1 3 4 5 6